

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АТАЕВ ШОКИР КУРАНБАЕВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Атаев Шокир Куранбаевич**

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий  
тартибга солишни такомиллаштириш .....3

**Атаев Шокир Куранбаевич**

Совершенствование административно-правового  
регулирувания предпринимательской деятельности .....27

**Ataev Shokir Kuranbaevich**

Improvement of administrative and legal regulation  
of entrepreneurship activities .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.31/30.12.2019.Үн.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
АКАДЕМИЯСИ**

**АТАЕВ ШОКИР КУРАНБАЕВИЧ**

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ  
ТАРТИБГА СОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.  
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4PhD/Yu622 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Селиманова Светлана Михайловна</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Ганиев Шерзод Алишерович</b> юридик фанлар доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Олий Мажлис ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 28 декабрь куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: [info@akad.mvd.uz](mailto:info@akad.mvd.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (1154-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52.

Диссертация автореферати 2021 йил 15 декабрь куни тарқатилди.

(2021 йил 14 декабрдаги 9 рақамли реестр баённомаси)



**А.С. Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Дж.Х. Юлдашев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Р. Кабулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёнинг ривожланган давлатларида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятини биринчи галда эркин бўлиши ва шу билан бирга, муайян мезонлар асосида давлат томонидан тартибга солиб турилиши бўйича яхлит иқтисодий-ҳуқуқий концепцияни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ҳамда мунтазам равишда ривожлантириб бориш долзарб аҳамият касб этиб этмоқда.

Жаҳонда иқтисодиётни барқарорлаштиришда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, тадбиркорликнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи восита сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона мақбул воситаларни жорий этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда соҳани ривожлантириш борасидаги мавжуд бюрократик тўсиқлар ҳамда ғовларни бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикада сўнгги йилларда аҳолининг кенг қатламларини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ёшлар келажагимиз» каби бир қатор дастурлар орқали камбағалликни қисқартириш борасида муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун қулай имконият ва шароитлар яратиш масалаларига стратегик вазифа сифатида қаралмоқда. Шунга қарамасдан бугунги кун амалиётида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиш ҳолатлари ҳамон кузатилмоқда. Жумладан, 2017 – 2021 йиллар мобайнида бу борада бизнес-омбудсманга 13,4 минг ариза келиб тушган бўлиб, натижада 930 масъул шахс интизомий, 1513 шахс эса, маъмурий жавобгарликка тортилган. Давлат бошқаруви ҳамда назорат органларининг 1034 та ноқонуний қарорлари бекор қилиниб, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарлар бўйича уларнинг фойдасига 95,1 миллиард сўм суд тартибида ундирилган<sup>1</sup>. Бу эса, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари ўртасидаги муносабатларни янада либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатларини яхлит тадқиқот доирасида ўрганиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги (1998),

<sup>1</sup> <https://reforms.uz/>.

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги (2000), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012), «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги (2018) қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2021) фармони ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг мақоми ҳамда тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни либераллаштиришнинг иқтисодий жиҳатлари мамлакатимизда Ҳ.П. Абдулқосимов, М.М. Абдурахмонова, О.А. Арипов, Б.Ж. Бабаев, Р.М. Гайбуллаев, С.Е. Ерназаров, Н.С. Касимова, Қ. Муфтайдинов ва Б.С. Улашовлар томонидан, хорижда С.А. Брызгалова, Ж. Джандосова, В.К. Полина, С.В. Сосунов, А. Тагатова, З. Турисбеков ва Н. Шиликбаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақоми ва уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари мамлакатимизда М.С. Абдусаломов, Х. Азизов, Ғ.Н. Алиев, Ш. Бакаев, Б. Ибратов, Н.С. Нарматов, О. Оқюлов, Ф.Ҳ. Отахонов, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, Ж. Ширинов ва З.О. Қувандиқовлар томонидан, маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари эса, С.М. Селиманова Ў.Х. Мухамедов ва Ф.А. Примовлар томонидан ўрганилган.

МДҲ давлатларида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлари А.С. Алексеев, А.И. Гурин, В.С. Дробязко, Л.Ч. Евгеньевна, М.С. Лаврентьева, А.В. Чуряев ва Е.В. Юрченко томонидан, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатлари А.С. Бурданова, А.Л. Гусева, Ю.Ю. Илюхина, Г.Е. Лыкин ва Э.М. Сарбашевлар томонидан, хусусий-ҳуқуқий жиҳатлари Д.Н. Бандуров, В.В. Богдан, А.И. Голубничий, Е.П. Губин, Ю.П. Каширина, М.М. Корчемный, В.А. Мамонтов, А.А. Спектор, О.В. Татарская, О.С. Троценко, И.В. Черняков ва С.Н. Шишкин сингари муаллифлар томонидан тадқиқ этилган. Шунингдек, А.А. Грось, Г.Б. Зубовский, С.Р. Миникаев, С.В. Попова, М.С. Кораблевалар тадбиркорлик

субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан ўрганишган.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилган ислохотлар ҳамда такомиллашган норматив база таҳлили асосида тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари махсус комплекс тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг 2018–2021 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Маъмурий жавобгарлик субъектлари институти ва уларни жавобгарликка тортишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш» фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг маъмурий-ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солинишини тадқиқ этиш;

товарлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини маъмурий-ҳуқуқий таъминлаш масалаларини ўрганиш;

тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий шартланганлигини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва динамикасини ўрганиш;

тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларини таҳлил қилиш;

тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини янада либераллаштиришнинг асосий йўналишлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

тадбиркорлик субъектларининг оммавий-ҳуқуқий жавобгарлигини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солувчи нормалар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар ва илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда жамиятда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни ўрганиш, тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш, умумлаштириш, дедукция, тизимли ёндашув, қиёсий-ҳуқуқий, формал-юридик таҳлил, социологик сўровлар ўтказиш, статистик маълумотларни ўрганиш каби усуллардан фойдаланилган.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

нодавлат нотижорат ташкилотлардан ташқари молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолияти тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра барча турдаги юридик шахсларнинг тугатилиши мумкинлиги асослантирилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларнинг таъминланишини инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади сифатида қонунда белгилаш зарурати асосланган;

пандемия шароитида Covid-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва техникаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқилишини вақтинчалик тўхтатиш орқали тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш лозимлиги асосланган;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишда бундай маҳсулотларни сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ва ўрнатилган талабларга жавоб берадиган бинога эгалик қилишни лицензия талаблари ва шартлари сифатида қонунчиликда белгилаш лозимлиги асослантирилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

«тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми», «тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси», «тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш динамикаси» тушунчаларининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш усуллариининг ҳуқуқий табиати очиб берилган ҳамда уларнинг турлари таҳлил қилинган;

тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни аниқлашнинг илмий-амалий методикаси ишлаб чиқилган;

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг даражаси ва динамикасини аниқлаш ҳисобга лозимлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, соҳага доир статистик маълумотлар таҳлили, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш юзасидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи хорижий ҳамда миллий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар эса, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун



иждорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, маъмурий, тадбиркорлик қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда маъмурий ҳуқуқ, тадбиркорлик ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу фаолиятни янада либераллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни янада мақбуллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаганлиги сабабли белгиланган тартибда ҳаракатсиз режимга ўтказилган пайтдан эътиборан уч йил ичида фаолияти тикланмаган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарорига кўра барча турдаги юридик шахсларнинг тугатилиши мумкинлиги ҳақидаги таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 декабрдаги «Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-592-сон қонунининг 1-моддаси биринчи бандига биноан Фуқаролик Кодексининг 53-моддаси иккинчи қисмини янги таҳрирда баён этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 21 январдаги №04/1-79-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши юридик шахсларни тугатиш асосларининг қонун ҳужжатларида аниқ белгиланишига хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги турли инвестиция объектларига қўйилмалар учун хавфсиз шарт-шароитларнинг таъминланишини инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади сифатида қонунда белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-598-сон қонунининг 24-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг 2021 йил 21 январдаги №04/1-79-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши чет эллик ҳамда маҳаллий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш орқали Ўзбекистон Республикасини ва унинг ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилган;

пандемия шароитида Covid-19 инфекцияси билан касалланган беморларни даволашда қўлланиладиган дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва техникаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқирилиши вақтинчалик тўхтатиш орқали тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июлдаги «Коронавирус пандемияси даврида дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникалар муомаласини тартибга солишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 449-сон қарорининг 3-бандини янги таҳрирда баён этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 7 октябрдаги №12/1-204-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг жорий этилиши пандемия шароитида Covid-19 инфекцияси билан касалланиш ҳолатларини даволашда соғлиқни сақлаш тузилмаларини қўллаб-қувватлашга, шунингдек Ўзбекистон Республикасига коронавирус инфекциясининг кириб келиши ва тарқалишини олдини олишга хизмат қилган;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишда бундай маҳсулотларни сақлаш, қабул қилиш ва тарқатиш учун мўлжалланган ва ўрнатилган талабларга жавоб берадиган бинога эгалик қилишни лицензия талаблари ва шартлари сифатида қонунчиликда белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 майдаги 301-сон қарори билан тасдиқланган «Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек, лицензия талаблари ва шартларини бузганлик учун қўлланиладиган чоралар ва санкциялар тўғрисида»ги низомнинг 2-бобини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 7 октябрдаги №12/1-201-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси бўйича фаолиятни амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларининг қонун ҳужжатларида аниқ белгиланишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (4 та республика ва 4 та хорижий журналларда) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Иш ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Тадбиркорлик фаолиятининг маъмурий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий мақомининг маъмурий-ҳуқуқий табиати ва унинг ўзига хос хусусиятлари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнининг маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиниши, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифатини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик фаолияти ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар кўлами шу қадар кенги, бу муносабатларни битта ҳуқуқ соҳаси доирасида тартибга солиш имконсиз. Бошқача айтганда, тадбиркорлик ҳуқуқи бошқа мустақил ҳуқуқ тармоқларидан фарқли равишда оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ соҳалари асосида шаклланган. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, солиқ ҳуқуқи, жиноят процесси, меҳнат ҳуқуқи ва маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқ тармоқлари нормалари билан тартибга солинади ва тадбиркорлик субъектлари ушбу ҳуқуқ соҳалари доирасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти ҳисобланади.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари маъмурий-ҳуқуқий мақомининг мазмунига таъсир этувчи «тадбиркорлик фаолияти» ва «тадбиркорлик субъекти» тушунчалари турли фанлар (иктисодиёт, молия, ҳуқуқ, фалсафа, психология фанлари) категорияси бўлганлиги сабабли ушбу тушунчаларнинг таърифлари бир-бирига мос келмайди. Ҳатто, битта фан доирасида ҳам «тадбиркорлик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти субъекти» тушунчаларининг таърифи ҳар доим бир-бирига тўғри келавермайди.

Диссертацияда амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётининг хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда бу борада олимларнинг (М.М. Абдурахмонова, М.Э. Абдусаломов, Ғ.Н. Алиев, В.С. Бельх, Н. Бекназов, Р.М. Гайбуллаев, З.О. Кувандиков, Ю.П. Каширина, В.В. Лаптев, Қ. Муфтайдинов ва С.П. Мороз) фикр-мулоҳазалари ўрганилиб, улар билан илмий мунозараларга киришилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти субъекти» тушунчаларининг асосий мазмуни иқтисодий ва ҳуқуқий фанлар доирасида нисбатан кенгрок ёритилади, деган

хулосага келинди. Иқтисодий нуқтаи назардан тадбиркорлик фаолиятининг «фойда келтирувчи иқтисодий фаолият» эканлигига урғу берилиб, тадбиркорлик субъектини «ташкилотчи», «уддабурон», «ташаббускор» инсон омили сифатида тушунтирилиши, ҳуқуқий нуқтаи назардан эса, тадбиркорлик фаолияти «қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган» ҳамда «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда»ги фаолият эканлиги таъкидланган ҳолда, тадбиркорлик субъектининг «белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги», «ўз номига мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган ҳуқуқларга ҳамда мажбуриятларга эгалиги» шунингдек, «судда мустақил даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта олиши» тўғрисида хулосага келинган.

Тадбиркорлик субъекти тушунчасининг мазмунига таъсир этувчи «иқтисодий фаолият», «хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ўзаро муносабатлари бўйича ҳалигача илмий адабиётларда ҳам, ўқув адабиётларида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Ҳатто, кўп ҳолларда ушбу тушунчалар синоним сифатида эътироф этилмоқда. Қонун ҳужжатлари таҳлили ҳам ушбу тушунчалар муносабатини аниқлаштирувчи норма мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Бугунги кунда ҳуқуқшунослик фанида «Хўжалик фаолияти» ва «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаларининг ўзаро муносабатини аниқлаштириш талаб этилади. Муаллифнинг фикрича, «хўжалик фаолияти» тушунчаси «тадбиркорлик фаолияти» тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Чунки хўжалик фаолияти ўз мазмунига кўра, иқтисодий хусусиятга эга бўлиб, мавжуд эҳтиёжларни қондиришга қаратилган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга қаратилган ҳар қандай фаолият ҳисобланса, тадбиркорлик фаолияти эса қонун билан рухсат берилган субъектлар томонидан давлат рўйхатидан ўтган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор хўжалик фаолияти ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий табиати мураккаблашувига қуйидаги икки омил доимий равишда динамик таъсир этади: 1) Ҳозирги шароитда тадбиркорлик фаолиятининг хўжалик асосини ташкил этувчи ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишнинг кўплаб турлари ва шакллари борки, уларнинг рўйхати тобора кенгайиб бормоқда. Зеро, тадбиркорлик фаолияти барча ҳолларда кишилик жамияти онгли эҳтиёжларини қондиришнинг «иқтисодий ечими» сифатида янгилашиб ва пропорционал тарзда кўпайиб бораверади; 2) Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни ҳам турли мезонлар (ташкилий-ҳуқуқий шакли, ҳуқуқий ҳолати, бошқарув шакли, иқтисодий фаолият йўналиши) бўйича кўплаб турларга ажратилишидир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий мақомини тушунишда анъанавий ҳуқуқий қарашларни тадбиркорлик субъектига оид асосий

иқтисодий категориялардан бири инсон омили тушунчаси билан уйғунлаштирган ҳолда кўриб чиқиш лозим.

Таҳлиллар асосида тадбиркорлик *субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми* деганда, тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имтиёзлари ва кафолатлари мажмуи ҳамда маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлигини тушуниш лозим, деган хулосага келинди.

Тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми ижро этувчи ҳокимият органлари билан бўладиган ўзаро маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда намоён бўлади. Бунда вертикал ҳуқуқий муносабатларнинг қуйи қисмида иштирок этувчи тадбиркорлик субъектлари «бўйсунувчи» мақомига эга бўлиб, ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг ихтиёрий вариантларини танлаш имкониятига эга бўлмайди.

Тадбиркорлик субъектлари маъмурий-ҳуқуқий мақомининг яна бир ажралмас таркибий элементларидан бири бу уларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг маъмурий жавобгарлиги маъмурий ҳуқуқ соҳасининг мустақил институти бўлиб, унинг мазмунини тадбиркорлик фаолияти соҳасида тадбиркорлик субъектлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этиш борасида тадбиркорлик субъекти ва ваколатли бўлган давлат органлари ўртасида юзага келадиган ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган меъёрлар тизими ташкил этади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни соф маъмурий-ҳуқуқий институт саналади. Бунга асос сифатида қуйидагилар келтирилади: биринчидан, юқорида таъкидланганидек, давлат рўйхатидан ўтказиш ижроия ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган функционал бошқарув фаолият ҳисобланади; иккинчидан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги муносабатлар оммавий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, бунда давлат томонидан ўрнатилган рўйхатдан ўтиш ва у билан боғлиқ маъмурий процедура бўлғуси тадбиркор амал қилиши шарт. Акс ҳолда, у давлат рўйхатидан ўтказилмайди; учинчидан, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради (МЖтК 176-м.), яъни давлат рўйхатидан ўтиш тартиботлари билан боғлиқ муносабатлар маъмурий жавобгарлик нормалари билан муҳофаза этилади; тўртинчидан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ижроия ҳокимият органлари томонидан иқтисодиёт соҳасида (шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятида) бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш учун амалга жорий этилади.

Ишда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсади сифатида қуйидагилар кўрсатиб ўтилди: *биринчидан*, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобини юритиш; *иккинчидан*, хўжалик юритувчи субъектни назорат қилиш; *учинчидан*, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий қўллаб-

қувватлаш; *тўртинчидан*, хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат ва жамият мақсадлари учун мақбул бўлган шаклини белгилаш.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодиёт соҳасидаги давлат бошқарувининг муҳим элементи сифатида**» деб номланган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий-иқтисодий шартланганлиги, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва динамикаси, усуллари таҳлил қилинган.

Ҳуқуқшунос олимлар (О. Оқюлов, Ф. Отахонов, Х.Т. Одилқориев, Ф.А. Примов, М. Ниёзов, Ҳ. Раҳмонкулов, Ў.Х. Мухамедов, Ш. Рўзиназаров,) ва иқтисодиётшунос олимлар (Р. Алимов, Н. Бекназов, Ж.Б. Бабаев, А. Ваҳобов, Е.С. Ерназаров, Т. Жўраев, Ш. Шодмонов, О.Қ. Умаров, А. Ўлмасов, Р. Хасановлар)нинг фикр ва мулоҳазалари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлар ва уларнинг қўлланилиши таҳлилидан, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш зарурати қуйидагилар билан асосланди: *биринчидан*, давлат ва жамиятнинг умумманфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш; *иккинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усулларида бошқа мақбул муқобил тартибга солиш вариантларининг йўқлиги; *учинчидан*, тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг катализаторлик таъсир этиш зарурати; *тўртинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини акс ривожланиш жараёнларидан сақлаш; *бешинчидан*, давлатнинг иқтисодий сиёсати мақсадларини таъминлаш.

Ишда тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида иқтисодиёт қонуниятларини ҳисобга олмаган субъектив қарашларни ифодаловчи ёндашувларни ҳаётга жорий этиш макроиқтисодий даражада ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқариши хусусида кўплаб амалиётларни мисол келтириш мумкинлиги асосланди ва бу борада айрим тарихий мисоллар (1929–1932 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози, СССРнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўнганмайдиған таназзули, ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШда «Американинг янги ривожланиш йўли: иқтисодий жиҳатдан янгилаш дастури») таҳлили баён этилди.

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишни оптималлаштиришда, *биринчидан*, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини, яъни давлат қачон ва қайси вазиятда ушбу фаолиятга императив тарзда таъсир этишини, *иккинчидан*, унинг аниқ чегараларини белгилаб олиш зарур.

Муаллифнинг фикрича, Covid-19 инфекциясининг кенг тарқалиши мамлакатларда чуқур иқтисодий инқирозга сабаб бўлганлиги ҳуқуқ ва иқтисоднинг ўзаро самарали нисбатини шакллантириш, давлат ва тадбиркорлик субъекти ўртасидаги муносабатларни янада либераллаштириш ва шу билан бирга, маълум мезонлар асосида тадбиркорлик фаолиятида

давлатнинг оммавий таъсирини сақлаб қолиш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу эса ўз тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси ва динамикасини ҳам илмий тадқиқ қилиш лозимлигини тақозо этади.

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси – тадбиркорлик фаолиятини маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш зарурати (мақсади)ни рўёбга чиқарувчи ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ воситалари ва чоралардан иборат бўлса, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш динамикаси – тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражасининг императив хусусиятдан диспозитив хусусиятга ёки диспозитив хусусиятдан императив хусусиятга ўзгариб туришини белгилаб беради.

Ишда тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари таҳлил қилинган ҳолда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш умумҳуқуқий тартибга солишнинг бир тури бўлиб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари тадбиркорлик фаолиятини ижроия ҳокимият органлари томонидан тартибга солиш ва бошқариш учун қўлланиладиган императив характердаги ҳуқуқий таъсир этиш усуллари ҳисобланиши тўғрисида хулосага келинди.

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллариининг бошқа хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан фарқли жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

1) бажарилиши мажбурий бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан ифодаланади;

2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўз ҳаракатларининг муқобил вариантларини танлаш имконини бермайди;

3) ижроия ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятини амалга оширишда ифодаланади;

4) давлат томонидан давлат ва жамиятнинг умумманфаатларини рўёбга чиқариш учун қўлланилади;

5) тадбиркорлик субъектлари томонидан амал қилиши лозим бўлган мажбурий тартиботлар ва шартлар бажарилмаса, тадбиркорлик субъектларига тегишли чоралар кўрилади ёки уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат беришга оид бошқа муурожаатлари рад этилади;

б) иқтисодий фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш)га бевосита ёки билвосита таъсир этади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари таҳлили ушбу фаолиятни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг қуйидаги усуллариини ажратган ҳолда таҳлил қилиш имконини беради: давлат рўйхатидан ўтказиш тартиботларини белгилаш; лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини белгилаш; муайян мулкларга эгалик қилиш, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий фаолият юритиш учун фақатгина давлатга ёки давлат томонидан белгиланган субъектларга ваколат берилиши; истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шу каби умумманфаатларни таъминлаш юзасидан бажарилиши ҳамда амал қилиниши лозим бўлган маълум тартиботлар ва қоидалар; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш; бажарилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари; савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари, тақдим этилиши лозим бўлган солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлар; антимонопол чоралар; мажбурий маъмурий-ҳуқуқий шартномалар.

Учинчи боб «**Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш**» деб номланиб, унда тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини янада либераллаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини янада либераллаштириш ҳар томонлама асосланган ва аниқ режалаштирилган махсус дастур асосида амалга оширилиши даркор.

Таҳлиллар иқтисодиётни, шу жумладан тадбиркорлик фаолиятини тубдан либераллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолияти муайн даражада либераллаштирилди аммо кутилган даражада эмас.

Тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш борасида юзлаб ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да ҳамон мазкур соҳада ортиқча маъмурий тартиб-тоамоиллар ва бюрократик тўсиқлар ҳамда коррупцион омиллар мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот жараёнида бунинг сабаби сифатида қўйидагилар баён этилди: *биринчидан*, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш борасидаги ҳужжатлар асосан қонун ости ҳужжатлари бўлиб, улар барқарорлик хусусиятига эга эмас; *иккинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш борасидаги ҳужжатлар ўзаро яхлит концепцияга эга эмас; *учинчидан*, тадбиркорлик фаолиятини либераллаштиришнинг ягона стратегияси мавжуд эмас, бу борадаги ислохотлар иқтисодиётнинг турли «маҳаллий» секторларида амалга оширилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини бузишнинг асосий сабаби тадбиркорлик фаолиятининг давлат томонидан тартибга солинишининг юқори эканлиги ҳисобланади. Хусусан, таҳлиллар тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг маъмурий-ҳуқуқий таъсирининг юқорилиги улар ҳуқуқ ва манфаатларининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тизимида бузилишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2021 йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар мурожаати асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун 1 312 та таъсир чораси қўлланилган. 900 нафарга яқин давлат органи ходими маъмурий жавобгарликка тортилган. Шу билан бирга, 225 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 467 та давлат органлари қарорлари



ноқонуний деб топилган. Бош вазир қабулхоналари орқали 2021 йилнинг биринчи ярмида 547 нафар масъул шахсга нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг 105 нафар, банк муассасаларининг 325 нафар, ташкилот ва идораларнинг 117 нафар ходимларига чоралар кўрилган. Шундан, 359 нафарига ҳайфсан берилган, 106 нафарига жарима интизомий чораси қўлланилган, 64 нафари лавозимидан озод этилган, 18 нафар масъул мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (бизнес-омбудсман) девонининг 2021 йил биринчи ярим йилдаги фаолияти давомида бизнес-омбудсманга келиб тушган жами 4318 та мурожаатнинг 23 фоизи (991 та) банк-кредит масалаларига оид, 19 фоизи (807 та) ер, кадастр ва бино-иншоот масалаларига оид, 11,5 фоизи (498 та) солиқ масалаларига оид, 8 фоизи (345 та) рухсатнома ва лицензия олишга оид, 7 фоизи (294 та) суд қарорлари ва уларнинг ижросига оиддир. Мурожаатлар асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузишга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича 1264 та таъсир чораси қўлланилган. Қўлланилган таъсир чоралар натижасида 621 нафар мансабдор шахс маъмурий ва 225 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган, давлат органларининг 467 та ноқонуний қарори (ҳужжати) бекор қилинган.

Муаллифнинг фикрича, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий асосларини либераллаштириш концептуал даражада бўлиши керак. Бунда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг барча соҳаларини янада либераллаштириш борасида яхлит миллий дастур (Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини либераллаштириш миллий дастури) қабул қилиниши лозим. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини қуйидаги йўналишлар бўйича янада либераллаштириш зарур: давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича; хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш бўйича; лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари бўйича; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш бўйича; солиқ ва банк имтиёзларини мақбуллаштириш бўйича.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишни оптималлаштиришда биринчи галда ушбу фаолиятни тартибга солишнинг заруратини аниқлаштириб олиш жоиз. Бундай зарурат идоравий ва бошқа шахсий манфаатлардан узоқ бўлиши, давлат ва жамият манфаатларини ифодалашга қаратилган бўлиши керак. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш асослари (зарурати ва мақсади)ни бир-бирига иерархик йўналишда мос бўлиши шарт бўлган қуйидаги уч поғона даражасида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ: Биринчи поғонада давлат ва жамиятнинг умумий манфаатлари: *биринчидан*, тадбиркорлик фаолиятининг асосини

ташқил этувчи хўжалик муносабатлари (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ишларни бажариш) дан келиб чиқадиган хавф-хатар ва зарарли омилларнинг олдини олиш, *иккинчидан*, товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилишда фуқаролар (истеъмолчилар) нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; *учинчидан*, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиш асосларини давлатнинг иқтисодий-ижтимоий ва молиявий сиёсатига мувофиқлаштириш; *тўртинчидан*, рақобатни ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳамда монополияни чеклаш ва тартибга солиш зарурати билан белгиланади. Ушбу заруратлар доимий ва ўзгармас ҳамда концептуал характерга эга бўлиб қонун нормаларида ифодаланади. Иккинчи поғонада тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг умумий асослари аниқлаштирилади. Бунда давлатнинг амалдаги иқтисодий сиёсатининг мақсади ва унинг устувор йўналишлари асосий мезон бўлади ҳамда ушбу асослар нисбатан ўзгарувчан бўлади. Учинчи поғонада эса давлатнинг назорат функцияларини реализация қилиш имкониятлари ва аниқ шарт-шароитларидан келиб, ўзгарувчан хусусиятга эга асослар «жой олади».

Шу билан бирга тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан назорат қилишнинг принципларини ҳам белгилаб қўйиш лозим. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида белгиланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принципларига назоратни амалга оширишнинг ташкилий жиҳатлари оид бўлиб, тадбиркорлик соҳасидаги оммавий ва хусусий манфаатлар, шунингдек давлатнинг иқтисодий сиёсатини ифодаламайди ҳамда уларни мувофиқлаштиришни назарда тутмайди.

Муаллифнинг фикрига кўра тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал принциплари сифатида қуйидагиларни белгилаш лозим: назорат қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий асосланганлиги; назорат қилишнинг фуқаролар (истеъмолчилар), тадбиркорлик субъекти ва давлат манфаатлари мувозанатини (муштараклигини) таъминлаши; назорат қилиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятининг шаффофлиги; тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қилиш имкониятининг мавжудлиги; назорат қилишнинг ягона қоидалари ва шакллари ҳамда методларининг жорий этилиши; назорат қилишнинг рағбатлантириш хусусиятига эгаллиги; назорат қилиш қоидалари ва шакллари ҳамда методларининг иқтисодий сиёсатга мослашиши.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилишни оптималлаштиришда назорат қилиш даврийлигини аниқ, самарали ва мақсадга мувофиқ тарзда белгилаш муҳим аҳамиятга эга.

Назорат қилиш даврийлиги икки томонлама манфаатларни ифодалайди, яъни давлат органлари тез-тез назорат ўтказиб туриш орқали тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларига амал қилиш даражасини оширишдан

манфаатдор бўлса, хўжалик юритувчи субъектлар (шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари) имкон қадар текширишлардан холи бўлишдан манфаатдор бўлади. Чунки ҳар қандай текшириш тадбиркорлик субъектини ўз фаолиятдан чалғитади ва унинг фаолияти унумдорлигига салбий таъсир этади.

Шу сабабли назорат қилиш даврийлигини белгилашда тегишли хўжалик фаолиятининг хусусиятини инобатга олган ҳолда қонун бузилишини аниқлаш ва унинг олдини олишнинг реал имкониятларини ҳисобга олиш ва шу орқали назорат қилиш даврийлигини узайтириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Назорат қилишнинг умумий муддатлари билан бирга белгиланган қонун-қоидаларга ўз вақтида тўлиқ риоя этувчи субъектлар учун текшириш даврини узайтириш ҳамда қонун ҳужжатларини бузувчи субъектлар учун текширишлар даврини қисқартиришни индивидуал тарзда қўллаш имкони берувчи механизмни жорий этиш самарали аҳамият касб этади. Шунингдек, келгусида бу борадаги ишларни давом эттириб тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолияти хусусиятларидан келиб чиқиб, назорат қилиш предмети, даврийлиги ҳамда методларини табақалаштириш орқали бу борадаги тартиботларни либераллаштириш ва такомиллаштириш мумкин.

Диссертациянинг **хулоса** қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

## ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги йўналишлардаги илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

**I. Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишга доир назарий билимларни бойитишга қаратилган илмий хулосалар:**

1. Қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари таклиф этилди:

*тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий мақоми* – тадбиркорлик субъектларининг маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда тутган ўрни, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имтиёзлари ва кафолатлари мажмуи ҳамда маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлиги;

*тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражаси* – тадбиркорлик фаолиятини маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш зарурати – (мақсади)ни рўёбга чиқарувчи ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ воситалари ва чоралар;

*тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш динамикаси* – тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш даражасининг императив хусусиятдан диспозитив хусусиятга ёки диспозитив хусусиятдан императив хусусиятга ўзгариб туриши.

2. Тадбиркорлик ҳуқуқи бошқа мустақил ҳуқуқ тармоқларидан фарқли равишда оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ соҳалари асосида шаклланган. Шу сабабли тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатлар фуқаролик

хукуки, молия хукуки, божхона хукуки, солиқ хукуки, жиноят процесси, меҳнат хукуки ва маъмурий хукук каби хукук тармоғи нормалари билан тартибга солинади ва тадбиркорлик субъектлари ушбу хукук соҳалари доирасидаги хукуқий муносабатларнинг мустақил субъекти ҳисобланади.

3. «Тадбиркорлик фаолияти» ва «тадбиркорлик субъекти» тушунчаларига нисбатан асосий таърифлар хукуқшунослик ва иқтисодиёт фанлари доирасида берилган. *Иқтисодий жиҳатдан* тадбиркорлик фаолияти «фойда келтирувчи иқтисодий фаолият», тадбиркорлик субъекти «ташкилотчи», «уддабурон», «ташаббускор» инсон омили сифатида, *хукуқий жиҳатдан эса*, тадбиркорлик фаолияти «белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганлиги», «фаолият юритишга рухсат этилганлиги», «ўз номига мулкӣ ва мулкӣ бўлмаган хукуқларга ҳамда мажбуриятларга эгалиги», «судда мустақил даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта олиши», «қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда амалга ошириладиган», «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда»ги фаолият эканлигига эътибор қаратилган.

4. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни соф маъмурий-хукуқий институт саналади. Чунки: *биринчидан*, давлат рўйхатидан ўтказиш ижроия ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган функционал бошқарув фаолияти ҳисобланади; *иккинчидан*, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнидаги муносабатлар оммавий-хукуқий характерга эга бўлиб, бунда давлат томонидан ўрнатилган рўйхатдан ўтиш ва у билан боғлиқ маъмурий тартиботларига бўлғуси тадбиркор амал қилиши шарт; *учинчидан*, давлат рўйхатидан ўтмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради (Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-моддаси), яъни давлат рўйхатидан ўтиш тартиботлари билан боғлиқ муносабатлар маъмурий жавобгарлик нормалари билан муҳофаза этилади; *тўртинчидан*, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ижроия ҳокимият органлари томонидан иқтисодиёт соҳасида (шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятида) бошқарувни ташкил этиш ва амалга ошириш учун амалга жорий этилади.

